

## **Коррупцияга қарши курашиш давлат Сиёсатини “Ўзмиллийбанк” АЖ тизимида татбиқ этилиши ҳамда бу борада 2024 йил давомида амалга оширилган ишлар ҳақида**

Барчамизга маълумки, бугунги кунда Давлат раҳбари томонидан халқимиз равнақи ва фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган муҳим ва долзарб ислохатлар қаторида Коррупцияга қарши курашиш йўналиши ҳам ўта муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унга қарши курашиш ва олдини олиш борасида кўплаб чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Хусусан, мамлакатимизда давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида коррупцияга қарши курашиш, уни келтириб чиқарувчи омиллар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича тизимли чоралар кўрилмақда.

Бу каби иллатларни олдини олиш ва унга қарши курашишда “Ўзмиллийбанк” АЖ тизимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-240-сонли Қарори ижросини таъминлаш, тизимда фаолият юритаётган барча ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишида билим савияларини ҳамда тартиб-таомиллардан хабардорлигини янада ошириш, коррупциянинг ҳар қандай кўринишига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида, 2024 йилда “Коррупцияга қарши курашиш йўналишида ўқитишни ташкил этиш тўғрисида”ги 39/19-сонли Фармойиши билан тегишли чора-тадбирлар махсус Ўқув дастури ва режалари тасдиқланиб, масофавий таълим амалиёти жорий этилди.

Ушбу ҳужжатларда машғулотлар замонавий интерактив шаклларни қўллаган тарзда ташкиллантирилди, масофавий, иш жараёнидан ажралмаган ҳолда ўтказиладиган ўқув курслар тажрибасидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилди. Машғулотларга жалб этилувчи ходимлар категориялар бўйича умумий ва махсус гуруҳларга ажратилди. Ходимлар билан ишлаш департаменти ҳамда Ахборот ва банк хавфсизлиги департаменти Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси мутахассисларига Банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ҳамда вилоятлар Бош бошқармаларига Ўқув дастури ва Ўқув режалари талабларини амалга оширишда назарий ва амалий ёрдам кўрсатиш вазифалари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигига “Ўзмиллийбанк” АЖнинг Коррупциявий хавф-хатарлар Харитаси, унинг таркибий ва ҳудудий тузилмаларида коррупцияга қарши курашиш Дастури тақдим этилди. Агентлик томонидан тақдим этилган Дастур ижросини таъминлаш мақсадида, “Ўзмиллийбанк” АЖда коррупцияга қарши курашиш йўналишида амалга ошириладиган чора-тадбирлар Дастури”га тегишли ўзгартиришлар киритилиб, ижрога қаратилди.

“Ўзмиллийбанк” АЖда жорий этилган аксилкоррупция тизимнинг халқаро ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежмент” тизими стандартлари талабларига мувофиқлигини мустақил аудит орқали тасдиқлаш мақсадида, Корпоратив алоқалар ва инвестициялар Департаментининг Харидлар ташкиллаштириш хизматига техник топшириғига биноан тендер ўтказилиб, унга асосан “СЕРТ INTERNATIONAL” МЧЖ ғолиб бўлди.

2024 йил 21-23 август кунлари мазкур ташкилот мутахассислари томонидан Банкнинг Бош офиси ҳамда Тошкент шаҳар Бош бошқармаси “Марказий амалиёт” БХМда сертификацион аудит ўтказилди.

Сертификацион аудит натижаларига кўра, “Ўзмиллийбанк” АЖда жорий этилган аксилкоррупция тизими халқаро ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежмент” стандартлари талабларига жавоб бериши хусусида хулоса қабул қилиниб, 2024 йил 6 сентябрда Банк Бош офисида мувофиқлик сертификати топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сонли ҳамда 2022 йил 11 майдаги “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокани кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-240-сонли Қарорлари талабларига мувофиқ, тизимдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш мақсадида, E-Anticog платформасига тааллуқли маълумот ҳужжатлари ҳамда фаолият юзасидан барча ҳисоботлар киритилиб, доимий назорат қилиб келинмоқда.

Бу борадаги ишларни янада жонлантириш ва самарадорликни ошириш мақсадида, 2024 йил 5 июнда “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги 931-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Мазкур Қонуннинг мақсади манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдир. Қонун давлат органлари ва маҳаллий ҳокимиятлари, давлат муассасалари, унитар корхоналар, мақсадли жамғармалар, устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда бўлган акциядорлик жамиятларига нисбатан татбиқ этилган.

Ўз навбатида “Ўзмиллийбанк” АЖ тизимида ҳам манфаатлар тўқнашуви масалаларини тартибга солиш мақсадида, “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом” ва тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан қуйидагилар амалга оширилди:

- жорий йилнинг 15 февраль санасига қадар “Ўзмиллийбанк” АЖ тизимида фаолият олиб бораётган барча ходимлар томонидан манфаатлар тўқнашуви мавжуд/мавжуд эмаслиги тўғрисидаги “**Йиллик декларация**”ни мажбурий тўлдирилиши таъминланди;

- “Ўзмиллийбанк” АЖ тизимига ишга қабул қилинаётган барча номзодлар 2023 йил 1 мартда ““Ўзмиллийбанк” АЖ Кузатув кенгаши баёни билан тасдиқланган 645-сонли “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати”” ҳамда ушбу соҳага тегишли ички идоравий ҳужжатлар билан таништирилди.

Банкда эҳтимолий манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш, тизимга ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш масалаларини сифатли ва ўз вақтида бажарилиши таъминлаш мақсадида, “Ўзмиллийбанк” АЖнинг 2024 йил 28 майдаги “Коррупцияни олдини олиш бўйича комиссияси Қарорининг ижросини таъминлаш ҳақида”ги 1662/19-сонли Фармойиши тасдиқланиб, ижрога қаратилди. Бугунги кунда мазкур ҳужжат асосида тегишли тадбирлар назоратга олинган ҳолда амалга ошириб келинмоқда.

Шунингдек, масофавий ташкил этилган ўқув машғулотида Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси ва унинг ҳудудий Бош бошқармалардаги бош мутахассислари ZOOM дастури ёрдамида масофадан туриб қатор аниқ йўналишлар бўйича малака оширдилар, шунингдек, тизимга янгидан қабул қилинаётган ходимлар учун Коррупцияга қарши давлат Сиёсати ва жавобгарлик мавзуларида кенгайтирилган ўқув семинарлари ҳамда “9 декабрь - Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни”га бағишланган давра суҳбати Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академиясининг тажрибали мутахассислари таклиф этилган ҳолда ўтказилди. Бу каби тадбирлар ўз навбатида Банкнинг ҳудудий Бош бошқармаларда ҳам ўтказиб келинмоқда.

Бундан ташқари, 2024 йил давомида коррупцияга қарши курашиш йўналишида ташкил этилган ўқитиш механизмларидан яна бири сифатида масофавий электрон ўқув амалиёти ҳам доимий тарзда амалга ошириб келинди.

Бу борада Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси мутахассислари томонидан коррупциянинг олдини олишда ходимларни билим савияларини ошириш бўйича тайёрланган ўқув

материаллари **6,5 мингга** яқин ходимларнинг жорий электрон почталарига мунтазамлик асосида юборилди.

Ҳисобот даврида Банк ходимлари Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси мутахассислари томонидан тақдим этилган дастур асосида жорий этилган ўқув курсларини SAP тизими орқали ўзлаштириб, тегишли тест синовларидан ўтдилар.

2024 йилнинг 9-24 ноябр кунлари Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси томонидан ташкил этилган “Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда олдини олиш” мавзусида масофавий ўқув курсларга Банкнинг барча тузилмавий бўлинмаларидан жами **4513** та ходим жалб этилиб, якуни бўйича тест синовлари топширилди. Унга кўра **3891** та ходим курсни мувоффақиятли якунлаб, тегишли сертификатга эга бўлдилар. Қолган **622** нафар ходимлар билан мавзу бўйича кўшимча машғулотлар ташкиллаштирилди.

Ўтган йил давомида Коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали тизимни яратиш ва қўллаб-қувватлаш масалалари юзасидан Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO)нинг тавсияларини “Ўзмиллийбанк” АЖда бажарилиши бўйича мониторинг амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги ПҚ-81-сонли “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан Банкда 2024 йил олиб борилган ишлар ва мақсадли чора-тадбирлар натижаси бўйича амалга оширилган таҳлилларга кўра **89 балллик** кўрсаткичга эришилди.

Юқоридаги таҳлил ва маълумотлардан келиб чиқиб, 2025 йилда “Ўзмиллийбанк” АЖ тизимининг Коррупцияга қарши курашиш йўналишида амалга оширилаётган мақсадли вазифаларни янада такомиллаштириш учун қуйидагиларни ҳал қилишимиз лозимдир:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси, Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги қарор ва кўрсатмалари ижросини таъминлаш;

- Банкнинг комплаенс-назорат тизимини ISO 37001-2016 халқаро стандарт талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш бўйича ишларни такомиллаштириш;

- “Ўзмиллийбанк” АЖда коррупцияга қарши чоралар самарадорлигини ошириш, Банкнинг барча таркибий тузилмаларида коррупцияга қарши стандартлар ва механизмларни жорий этиб бориш;

- ходимларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини, ички тартиб-таомиллардан хабардорликларини ҳамда билим ва савияларини ошириш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича ишларни жадаллаштириш;

- мавжуд ва эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини олдини олиш, ходимлар орасида Банк манфаатларини шахсий манфаатлардан устун қўйиш зарурлигини тушунтириш ишлари орқали тарғиб қилиш;

- Банкда коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган ходимлар, банк мижозлари, контрагентлари ҳамда учинчи томон шахсларни ҳимоя қилишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмлари жорий этилганлиги муносабати билан ушбу йўналишни назорат қилиш;

- Коррупцияни олдини олиш масалалари бўйича тегишли вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари билан амалий ҳамкорликни давом эттириш шулар жумласидандир.

Умид қиламанки, бу борада амалга ошираётган сайи ҳаракатларимиз, эришаётган натижаларимиз тизимда коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига барҳам бериб, ходимларимиз ва ёшларимиз онгида бундай иллатларга нисбатан муросасизлик маданиятини ҳамда кучли иммунитетни шакллантирамиз.

**Бошқарув Раиси**



**А. Мирсоатов**

✓

